

VIII боб

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИЖТИМОЙ ТАШКИЛ ЭТИШ

8.1. Саноатда ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этишнинг шакллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги

Мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига уларни умумлаштириш ва ижтимоий меҳнат тақсимоти жараёнлари сезиларли таъсир кўрсатади. Саноатни концентрациялаштириш ва комбинациялаштириш ижтимоий меҳнатни йирик корхоналарда мужассамлаштиришни ифодаласа, ихтисослаштириш ҳамда кооперативлаштириш эса саноат тармоқлари таркибида меҳнат тақсимоти ва уларнинг ҳамкорлигини ифодалайди.

Меҳнат тақсимотининг ривожланиш даражаси ва уни умумлаштириш жамият ишлаб чиқариш кучлари ҳамда муносабатларининг такомиллашишида ўз аксини топади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бу шакллари мустақиллик туфайли ва миллий иқтисодиётни ислоҳ этиш, эркинлаштириш муносабати билан ўз моҳияти ва мазмунини, мақсад ва вазифаларини анчагина ўзгартирди. Айниқса ишлаб чиқаришни концентрациялаштириш, кичик ва ўрта корхоналарнинг пайдо бўлиши муносабати билан улар ўртасида уйғунлашув юзага келди.

Саноатда ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этишнинг шаклларига қуйидагилар киради:

- Концентрациялаштириш;
- маҳаллийлаштириш;
- ихтисослаштириш;
- диверсификациялаштириш;
- кооперативлаштириш;
- комбинациялаштириш;

Концентрациялаштириш - бир хил, ўхшаш маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни йириклаштиришдир.

Маҳаллийлаштириш- бу корхоналарда замонавий талабларга жавоб берувчи, рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни маҳаллий хомашё ва материаллардан ишлаб чиқариш ва уларнинг ҳажмини ошириш, асоссиз импорт ҳажмини қисқартириш, экспортбоп маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш, янги иш жойларини яратишдир.

Ихтисослаштириш - бу алоҳида ишлаб чиқариш участкалари, цехлар, корхоналар, тармоқларни конструктив ва технологик жиҳатдан ўхшаш бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ёки жараёнларни бажаришга мужассамлаштиришдир.

Диверсификациялаштириш – бу корхона ва тармоқларнинг фаолият соҳаларини ўзгартириш ва кенгайтириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турини кўпайтириш ва уларнинг хилма-хиллигини таъминлашдир.

Кооперативлаштириш – маълум турдаги маҳсулотни ҳамкорликда тайёрлаш бўйича корхоналарнинг биргаликда фаолият кўрсатишидир.

Комбинациялаштириш- турли тармоқларга мансуб бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни ёки жараёнларни бир корхона миқёсида мужассамлаштиришдир.

Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган қонунлар ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида, Президент асарларида ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Натижада улар оқилона равишда, саноат сиёсатининг барча талабларига жавоб берадиган йўсинда ривожланиб бормоқда. Бу жараёнларнинг зарурлиги ва уларни такомиллаштириш масалалари миллий иқтисодиёт тараққиётининг кейинги босқичларида ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

8.2. Концентрациялаштириш: унинг моҳияти ва аҳамияти

Ишлаб чиқаришнинг концентрациялаштириш— бу маҳсулот тайёрлаш, иш бажариш ёки хизмат кўрсатишни энг йирик корхоналарда тўплаш жараёнидир. Унинг бир неча турлари мавжуд. Улар агрегат, технологик, ташкилий хўжалик ва корхоналарни йириклаштириш шаклларида ифодаланади.

Агрегат шаклида ишлаб чиқаришни концентрациялаштириш дастгоҳларнинг қувватини оширишдир, яъни агрегатларнинг унумдорлигини юқори даражага ҳамда маълум хилдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг умумий қувватида юқори унумдор агрегатлар салмоғини кўпайтиришдир. Бу жараён саноатнинг етакчи, айниқса, электроэнергетика, металлургия, химия, ёқилғи ва қурилиш материаллари тармоқларида сезиларли.

Концентрациялаштиришга технологик жиҳатдан ўхшаш ишлаб чиқаришларнинг қувватини ошириш орқали эришиш мумкин. Масалан, металлургияда - чўян, пўлат эритиш, прокат ишлаб чиқариш, тўқимачиликда — йигириш, тўқиш, бўяш, машинасозликда - қуюв, механик ишлов бериш, йиғув жараёнларининг мужассамлашиши.

Корхоналарни ва уларнинг таркибидаги цех ва участкаларни йириклаштириш ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг йиллик ҳажмини кўпайтиради, маҳсулот сифатини яхшилайти, меҳнат унумдорлигини оширади.

Йирик корхоналарнинг афзалликларига қуйидагилар киради:

- юқори унумли техника ва инновацион технологияларни қўллаш ва улардан фойдаланиш имкониятларининг кўплиги;
- ишлаб чиқариш фондларидан оқилона ва самарали фойдаланиш;
- ҳодимлар меҳнат унумдорлигининг юқорилиги;
- саноатга ишлаб чиқариш самарадорлигини оширадиган энг янги фан-техника ютуқларини, ўзлаштиришга таъсир кўрсатадиган қувватли

конструкторлик, технологик ва илмий-тадқиқот лабораториялари, бюроларини ташкил этиш имкониятлар;

-маҳсулот бирлигига тўғри келадиган асосий ва ёрдамчи хизмат кўрсатиш харажатларининг пастлиги ва ҳ.к.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кичик бизнеснинг ўрни ва роли жуда катта аҳамиятга эга. Шу сабабли мустақиллик йилларида кичик бизнеснинг ривожланишига алоҳида эътибор берилди. Натижада унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 48,2 фоизга тенг бўлди.¹ Лекин саноат соҳасидаги унинг улуши хали ҳам жуда паст. 2008 йилда у атиги 14 фоизга тенг бўлди. Шу сабабли Республика Президенти Ислом Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида яна бир бу масалага алоҳида эътибор бериб “... Кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш – устивор вазифа бўлиб қолади”² – деб таъкидлайди.

8.3. Маҳаллийлаштириш: унинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инқирозга қарши чоралар дастурида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш тадбирлари аҳамиятли ўрин тутди.

Маҳаллийлаштириш дастури ўз мазмунига кўра республикаimiz корхоналарида замонавий талабларга жавоб берувчи, рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, асоссиз импорт ҳажмини қисқартириш, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш, янги иш жойларини яратиш каби мақсадларни намоён этади.

¹ “Халқ сўзи”, 2009 йил, 14 февраль.

² Каримов Ислом Абдуғаниевич. Жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 36 б.

Мазкур дастурнинг ривожланиш босқичлари Президентимиз ва ҳукуратимиз томонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатлар, жумладан: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 22 июндаги ПҚ-386-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 майдаги 93-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 июлдаги 149-сонли қарори орқали белгилаб берилган.

Мамлакатимизда маҳаллийлаштириш жараёнларининг салмоқли натижаларга эришишида ишлаб чиқарувчиларга берилган имтиёз ва қулайликларнинг роли беқиёсдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сонли қарорига кўра бутловчи қисмлар ва деталлар, тайёр маҳсулотлар, материаллар ва хомашё турларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 2011 йил 1 январгача:

- четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган компонентлар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари);

- маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўлови (солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун);

- маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинадилар.

Маҳаллийлаштириш жараёнларини кучайтириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни янада рағбатлантириш мақсадида Маҳаллийлаштириш дастурига лойиҳаларни киритишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолашга қўйиладиган қуйидаги ягона мезонлар ва талаблар мажмуи ишлаб чиқилган:

- иқтисодиёт вазирлигининг хулосасига кўра мамлакат саноатини ривожлантиришнинг асосий устуворликларига мувофиқлик;

- маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун қувватлар ва хомашё ресурсларининг мавжудлиги;

- маҳаллийлаштириш даражаси босқичма-босқич ошириб борилган ҳолда ишлаб чиқариш бошланган пайтдан бошлаб 12 ой мобайнида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бўйича маҳаллийлаштириш даражасининг камида 30 фоизга етиши;

- ТИФ ТН коди бўйича пировард маҳсулот товар позицияси бошланғич хомашёга таққослаганда камида биринчи 4 белгилардан бири даражасига ўзгариши таъминланиши;


- маҳаллийлаштириладиган маҳсулотнинг сотиш нархи ана шундай импорт қилинадиган маҳсулот нархидан юқори бўлмаганда лойиҳанинг иқтисодий ўзини қоплаши (Ўзбекистонгача бўлган транспорт сарф-харажатлари, божхона ва солиқ тўловлари ҳисобга олинган ҳолда);

- Иқтисодиёт ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликларининг хулосаларига кўра маҳаллийлаштириладиган маҳсулотга ички ва ташқи бозорларда барқарор талабнинг мавжудлиги;

- маҳаллийлаштириладиган маҳсулотга нисбатан халқаро стандартлар бўйича ишлаб чиқариш бошланган пайтдан бошлаб 18 ой мобайнида сифатни бошқариш тизими жорий этилиши.

Белгиланган қулай шарт-шароитлар ва имтиёзлар натижасида Маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда (2.3.1-расм). Расмдаги маълумотлардан кўринадики, мазкур кўрсаткич 2006-2008 йиллар мобайнида автомобиллар билан ҳисобланганда 1,9 марта, автомобилларсиз 3,5 марта ўсган.

**Маҳаллийлаштириш дастури доирасида
ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм**



2.3.1-расм


Шунингдек, мамлакатимизда озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

2.3.1-жадвал

**2008 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида истеъмол товарларни
ишлаб чиқариш ҳажми**

Ҳудудлар	млрд. сўм	2007 йилга нисбатан ўсиш суръати, %
Қорақалпоғистон Республикаси	102,6	115,2
Андижон	2151,9	122,2
Бухоро	401,6	106,9
Жиззах	155,2	116
Қашқадарё	246,7	117,3
Навоий	161,9	115,2
Наманган	266,5	116,3
Самарканд	687,9	124,5
Сурхондарё	142	112,6
Сирдарё	110,8	117,8
Тошкент	785,4	111,3
Фарғона	639,1	106
Хоразм	152,2	108,9
Тошкент шаҳри	1432,7	123,6
Республика бўйича	7436,5	117,7

Агар истеъмол товарларини ишлаб чиқаришда ҳудудларнинг улушини баҳолайдиган бўлсак (2.3.2-расм), бу борада энг юқори кўрсаткич Андижон вилояти (29%), Тошкент шаҳри (19%) ва Тошкент вилоятига (11%) тўғри келмоқда.



2.3.2-расм.

Бу масалага оид дастурларда мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналари учун кенг қўламли рағбатлантириш тизими назарда тутилган. Жумладан, улар учун 2012 йилнинг 1 январигача қуйидаги солиқ ва божхона имтиёзлари берилмоқда:

– гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар учун бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга қисқартириш;

– тайёр ноозиқ-овқат товарларнинг муайян турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни фойда ва мулк солиқларидан, микрофирма ва кичик корхоналарни ягона солиқ тўловидан озод қилиш.

Президентимиз ўз асарларининг Инқирозга қарши чоралар дастурига бағишланган қисмини якунлар эканлар, «Ҳеч шубҳасиз, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда иқтисодиётимиздаги ҳар қайси субъектнинг имкон қадар кўпроқ манфаатдор бўлишини, ушбу дастур ижроси уларнинг ҳар бири учун энг муҳим ишга айланишини таъминлаш мақсадида қўшимча рағбатлантириш чораларини излаб топиш катта аҳамият касб этади»³, деб таъкидладилар.

8.4. Ихтисослаштириш: унинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда уни рационал ташкил этиш, жумладан, ихтисослаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш (франц. — specialisation, лотинча specialis — айрим, махсус) — ижтимоий меҳнат тақсимотининг шакли. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш хилма-хил маҳсулотларни, уларни ишлаб чиқаришнинг турли босқичларини бир биридан ажралиб чиқиши туфайли янгидан янги кўпгина ишлаб чиқариш соҳаларининг вужудга келиш жараёнидир.

Тарихий тараққиёт жараёнида қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ва бошқа ҳар хил ишлаб чиқаришлар мустақил соҳа бўлиб ажралиб чиққан. Бу соҳаларнинг ўз ичида ҳам ажралиб чиқиш содир бўлиши натижасида бирон аломатига кўра бир-бирига яқин корхоналарни бирлаштирувчи ихтисослашган тармоқ вужудга келган.

Алоҳида ихтисослашган тармоқлар ва корхоналар бир хил ёки бир турли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга эришганлар ҳамда махсус, ўзига хос технология жараёни ва ихтисослашган кадрлар билан ажралиб турган ва туриши мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг ихтисослаштиришнинг энг биринчи ва элементар шакли саноатнинг бошланғич шакли бўлмиш хунармандчилик

билан бирга вужудга келди. Меҳнат тақсимоти асосида ривожланаётган товар ҳўжалиги натурал ҳўжалиги, ишлаб чиқаришнинг универсализмини емириб ташлади.

Корхоналарнинг ихтисослашуви - уларда мукамалроқ техника ва технология, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари кўллашни енгиллаштирувчи турдош маҳсулот ишлаб чиқаришни мужассамлаштириш жараёнидир.

Ихтисослаштириш жараёнининг тараққиёти ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши билан белгиланади. Ихтисослаштириш, ўз навбатида, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига ёрдам беради. Ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучининг жуда кенг миқёсда бирлаштирилиши ҳозир иқтисодий зарурият бўлиб қолди. Ҳозирги замон техника тараққиётининг муҳим омиллари — электронизациялаш, комплекс автоматлаштириш, янги материалларни яратиш ва жорий этиш, илғор технологияларни, жумладан, биотехнологияларни вужудга келтириш ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш билан бевосита боғлиқдир.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш саноат корхоналарининг ишини энг рационал, оқилона ташкил этиш ҳисобланиб, бинолардан, жиҳоз ва асбоб-укуналардан, материаллардан беками-кўст фойдаланишда, фан ва техниканинг энг охириги ютуқларини жорий этишда, такомиллашган маҳсус машина ва асбобларни кўллашда, меҳнат унумдорлигини оширишда, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳаражатларини тежашда катта самара келтиради.

Корхона бўлимларининг ихтисослашуви - айрим цехлар, участкалар, иш жойларининг айрим маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва жараёнларни бажаришга ихтисослашувида ифодаланади.

Саноатда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш жараёнининг қуйидаги шакллари кенг тус олган:

-биринчи, энг оддий ва кенг тарқалган шакли буюмлар буйича ихтисослаштириш. Унинг бундай шакли корхоналарни технологик жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлган ва чекланган миқдордаги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга мослаштиришдан иборат;

-иккинчи, деталли ихтисослаштириш, яъни буюм ёки маҳсулотнинг бир қисмини, узел детални (масалан, мотор, редуктор, карбюратор, поршень, гильза, кузов, бункер ва х.к.ларни) ишлаб чиқариш;

-учинчи, технологик ихтисослаштириш. Бу ихтисослаштиришнинг энг олий шакли бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясининг маълум операцияларини бажаришни ўзида мужассамлаштиради. Корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларининг кенгайиши ихтисослаштиришнинг доимо ривожланиши ва мукаммаллашувининг зарурлигини ифодалайди. Масалан, машинасозликда буюмлар буйича ихтисослаштириш - маълум ишлаб чиқариш тармоқлари ёки иш турлари учун машиналар ишлаб чиқаришнинг мужассамлашуви йўналишида ривожланмоқда. Бундай ихтисослаштириш конструкторларга айрим тармоқларда машиналарнинг ишлаш шароитларини чуқурроқ ўрганиш ҳамда мукаммалроқ техника яратиш имконини кенгайтиради. Бир корхона миқёсида тугалланган ҳолатда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши унга доимо хизмат қилиб, зарур қисмларни етказиб берувчи ихтисослашган корхоналар ташкил этилишини тақозо этади.

Қисмлар ёки маҳсулот бўлақларини ишлаб чиқариш бўйича корхона ва тармоқларга шарикоподшипниклар, поршень ишлаб чиқарувчи заводлар, карбюратор заводи, редуктор, асбоб-анжомлар, қуйма, эҳтиёт қисмлар, телевизор трансформаторлари, телевизорга футлярлар, конденсаторлар, юқори босимли насослар, диван-кроватьлар учун оёқлар ва бошқаларни ишлаб чиқариш мисол бўла олади. Масалан, шарикодшипниклар, поршенлар, редукторлар, моторлар ва бошқалар тайёрлайдиган турли жараёнларга ташкилий жиҳатдан бўлиниши мумкин.

8.5. Диверсификациялаш: унинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни

Диверсификация лотинча diversification сўзидан олинган бўлиб “ўзгариш, хилма-хиллик” маъносини билдиради.

Иқтисодий, шу жумладан саноат ишлаб чиқаришини диверсификация қилиш туфайли тармоқлар ва корхоналарнинг фаолият соҳалари ўзгаради ва тайёрланадиган маҳсулотлар тури кўпайиб боради.

Илгари тўла ихтисослашган корхоналарнинг бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳаларига кириб бориши, уларнинг фаолият соҳаларининг кенгайишини билдиради.

Диверсификация натижасида турли-туман товарлар ишлаб чиқарадиган, хизмат кўрсатиш ҳамда илмий тадқиқот ва ишланмалар билан банд бўлган компаниялар, бирлашма ва жамиятлар, аммо ҳамиша ҳам технологик жиҳатдан боғланмаган кенг тармоқли комплекслар вужудга келади.

Мустақилликнинг илк давридан бошлаб аста-секин товар ишлаб чиқаришда тор ихтисосликдан воз кечиш, корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар **турини** (номенклатура ва ассортиментини) кўпайтириш, кўринишини ўзгартириш, янгидан янги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш яъни ишлаб чиқаришни босқичма-босқич диверсификация қилиш жараёнларини амалга ошириш йўлга қўйилди.

Кейинги йилларда эса паст рентабелли ва зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни диверсификация қилишга катта эътибор берилмоқда. Натижада улар оёққа туриб маҳаллий хомашёдан янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдалар ва ҳозирги пайтда нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам етакчи ўринларни эгалламоқдалар. Масалан, Қашқадарё вилоятида 77 корхона ва объектлар инвесторларга топширилиб уларни диверсификациялаш ишлари бошлаб юборилган. Улардан бир қанчалари 2009 йил давомида катта даромад келтира бошладилар. Диверсификациялашнинг энг юқори даражаси Навоий вилоятига хосдир. Бу ҳудуд нафақат олтин, кумуш, мармар, фосфор**ит**, кварц, феруза ва оҳактош

каби маҳсулотларни, балки яссигулли, қаламдулли, қовурға гулли кумуш сур териси каби қорақўл терилари билан ҳам маълум ва машҳурдир. Улардан тикилган аёллар ва эркаклар либослари, турли дизайндаги тўн, нимча ва бош кийимлари ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам рақобатдош ва бозори чаққон товарлар ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг “... таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратади”⁴.

Диверсификацияни амалга оширишнинг шакллари, ҳажми ва усуллари айниқса 2005-2009 йилларда кенг авж олди ва ривожланишнинг умумий, инвестицион концепциясига айланди. Шу сабабли мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов ишлаб чиқаришни диверсификациялашни давом эттириш ва уни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан бирга уйғунлаштириб олиб боришни давом эттиришни Ўзбекистон шароитида жаҳон миллий иқтисодиётининг инқирозини бартараф этишнинг энг муҳим устивор йўналишларидан бири эканлигини қайта-қайта таъкидламоқдалар.

“Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарда “2009 йилги иқтисодий дастуримизнинг иккинчи энг муҳим устивор йўналиши бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттиришдир”⁵ деб бу масалага алоҳида урғу берилди.

Яқин ва узоқ келажакда ҳам ишлаб чиқаришни диверсификация қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан:

- Корхона ва тармоқларнинг фаолият соҳаларини кенгайтириш;
- Маҳсулот ва хизматлар ассортиментини кўпайтириш;
- Маҳсулот ва хизматлар сифатини такомиллаштириш;

⁴ Каримов Ислам Абдуганиевич. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари /И.А.Каримов. – Т.:Ўзбекистон, 2009. – 31 б.

⁵ Ўша асарда: – 56 б.

- Маҳсулот ва хизматлар бозорини кенгшайтиришдан иборат бўлади.

Иқтисодиётнинг реал секторида фаолият юритаётган корхоналарни диверсификациялаш уларнинг нафақат фойда (даромад) олиш имкониятларини мустахкамлайди, балки Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида янгидан-янги марраларга эришишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

8.6. Кооперативлаштириш: унинг шакллари ва кўрсаткичлари

Саноатда корхоналар ихтисослашувининг ривожини ишлаб чиқаришни кооперативлаштиришасосида амалга ошади. Кооперативлаштириш- бу маълум маҳсулот ишлаб чиқариш, иш ва хизмат бажаришни биргаликда олиб бориш бўйича тармоқлар ва улар корхоналарининг давомли ишлаб чиқариш алоқалари шаклларида бири.

Кооперативлаштиришда маҳсулот етказиб бериш тартиби ишлаб чиқариш жараёнида буюртмачининг маълум ишлаб чиқариш-техникавий топшириқни бажаришини ҳисобга олишини талаб этади. Кооперативлаштириш хомашё, ёқилғи ва стандартлаштирилган яримфабрикатлар ҳамда буюртмаларни етказиб бериш босқичларини қамраган ҳолда моддий-техника таъминотидан фарқланади.

Кооперативлаштириш мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни тезлаштириш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш билан боғлиқ бўлган муҳим вазифаларни ҳал этишга имконият яратиб беради.

Саноатнинг ривожланиш давларида ишлаб чиқаришни кооперативлаштиришнинг бир қанча самарали шакллари вужудга келди. Улар жумласига қуйидагилар киради:

- буюмли (агрегатли) кооперативлаштириш;
- технологик кооперативлаштириш;
- тармоқлараро кооперативлаштириш;

– иқтисодий районлараро кооперативлаштириш.

Буюмли (агрегатли) кооперативлаштириш - бу машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи бош корхонага турли бутловчи буюм ва деталларни етказиб берувчи корхоналарнинг фаолиятдан иборат. Масалан, деталлар бўйича кооперативлаштириш усулида ихтисослашган корхоналар бош корхонага шарикоподшипниклар, поршенлар, турли узеллар ва асбоб-ускуналарнинг қисмларини етказиб беришлари мумкин.

Технологик кооперативлаштириш — бу бир ва бир неча корхоналар ўртасида алоҳида жараёнларларни бажариш бўйича ҳамкорликдир. Ишлаб чиқаришнинг қайси тармоққа тааллуқлилиги нуқтаи назаридан тармоқ ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперацияси вужудга келади.

Тармоқлараро кооперативлаштириш саноат тармоқдарининг бир бирига хизмат кўрсатишини ифодалайди. Масалан, саноат ишлаб чиқаришининг машинасозлик тармоғи металлургия саноати билан ҳамкорлик қилиши мумкин. Кооперация асосида маълум маҳсулотларни тайёрлаши, бир бирига бутловчи буюмлар етказиб бериши ва муайян ишларни бажариб бериш мумкин.

Ўзаро боғлиқ бўлган корхоналарни жойлаштириш нуқтаи назаридан иқтисодий районлар миқёсида ва районлараро кооперативлаштириш кенг тус олиши мумкин.

Районлараро кооперативлаштириш турли иқтисодий ҳудудларда жойлашган корхоналар ўртасидаги алоқаларни ифодалайди.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бу шаклига баҳо бериш учун унинг аҳволини ва имкониятларини билиш лозим. Бунинг учун ҳар хил кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Улар қаторига қуйидагилар киради:

биринчидан, ушбу корхона билан ҳамкорлик қилувчи корхоналар сони. Бунда етказиб берувчи ва буюртмачи корхоналарнинг сони алоҳида-алоҳида ҳисоб-китоб қилинади. Масалан, автомобиль

заводлари юзлаб корхона (фирма)лар билан ҳамкорлик қилсалар, станоксозлик корхоналарининг ишлаб чиқариш алоқалари атига бир нечта корхоналар билан чегараланган бўлади.

иккинчидан, кооперация усулида олинаётган ярим фабрикатлар ва бутловчи буюмларнинг ушбу корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулот таннарҳидаги улуши. Масалан, автомобил таннарҳида ташқаридан кооперативлаштириш йули билан олинадиган ярим фабрикатлар ва бутловчи буюмларнинг улуши тахминан 60-65 фоизни ташкил этади.

Ишлаб чиқаришни кооперативлаштириш муаммоларини ҳал этишда 2007 йилнинг 12 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган “Тармоқлар ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони алоҳида аҳамиятга эга.

8.7. Комбинациялаштириш:

унинг шакллари ва кўрсаткичлари

Саноатнинг ҳар бир тармоғида катта корхоналар бўлаверади. Лекин иккинчи томондан замонавий саноатга комбинация деган нарсаси хосдир. Саноатни комбинациялаштириш турли саноат тармоқларининг бир корхонада қўшилишидирки, бу тармоқлар ё ҳомашени кетма-кет ишлаб берувчи тармоқлар (масалан, рудадан чуян қуйиш ва чуяни пулатга айлантириш, сунгра, эҳтимол, пулатдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш) ёки бири иккинчисига нисбатан ёрдамчи рол ўйновчи тармоқлар (масалан, чиқиндиларни ёки қўшимча маҳсулотни ишлаш; **кадоқлаш** буюмлари ишлаб чиқариш ва ҳ.к.) бўлади.

Комбинат таркибидаги бўлимларнинг техник-иқтисодий бирлиги, ишлаб чиқариш қуввати, маҳсулот миқдори, турлари на сифати бўйича ўзаро мослиги улар ўртасидаги иқтисодий алоқадорликни ифода этади.

Бўлинмалар ўртасидаги иқтисодий алоқадорлик эса турли йўналишларда амалга оширилиши мумкин.

Комбинатнинг хомашё, энергетика ва транспорт манбалари бирлиги, унинг барча ишлаб чиқариш бўлинмаларининг умумий коммуникация (сув, буғ, газ, электр энергияси билан таъминлаш) тизимлари бирлашганлигини, умумий транспорт хўжалигидан фойдаланишини, дастлабки хомашёларни ёки ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлашини, бир-бирларини ярим фабрика ёки чала маҳсулот билан таъминлашини кўрсатади.

Комбинациялаштириладиган корхоналарнинг ҳудудий бирлиги ягона технологик системани ташкил этувчи бирлаштириладиган ишлаб чиқаришларнинг узвий технологик боғлиқлигидан келиб чиқади. Бу тизимда узилиш бўлмаслиги учун, комбинатнинг барча ишлаб чиқариш бўлимлари бир майдонда жойлаштирилади. Бу кимё-технологик ва термик ишлаб чиқариш жараёнлари (кимёвий, металлургия, нефтехимия, озиқ-овқат ва ҳ.к.) устун бўлган комбинациялаштирилган корхоналар учун айниқса муҳимдир. Комбинациялаштиришни ривожлантиришнинг асосий шарти ишлаб чиқаришни йириклаштиришдир.

Комбинациялаштириш натижасида хомашёдан, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тулиқ фойдаланиш имконияти яратиладики, бу эса саноатнинг хомашё манбаини кенгайтиради.

Комбинациялаштириш ишлаб чиқаришда жараёнларни узлуксиз олиб бориш, уларни қисқартириш, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва натижада иш кучини тежаш, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий-ижтимоий самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Бундай ишлаб чиқариш шароитида бир қатор қурилиш объектлари учун капитал ҳаражатлар, маҳсулот ва хомашёни узоққа ташиш, умумзаавод ҳаражатлари қисқаради, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортади, таннарҳи камайиб, сифати эса анча яхшиланади ва истеъмолчилар талаби тўлароқ қондирилади.

Комбинатлаштиришнинг қуйидаги шакллари ажратиш мумкин:

- хомашёни тайёр маҳсулот олгунча кетма-кет босқичларда қайта ишлаш;
- ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланишга асосланган ҳолда маҳсулот тайёрлаш;
- хомашёни ёппасига қайта ишлаш.

Хомашёни комплекс қайта ишлашга асосланган комбинатлаштириш энг ривожланган ишлаб чиқариш бўлиб жуда катта халқ хўжалик аҳамиятига эгадир. Чунки бу шаклда хомашё, материаллар ва чиқиндилардан тўла-туқис фойдаланиш мумкин бўлади. Комбинатлаштиришнинг бундай зарурлиги хомашё таркибида турли элементларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Масалан, Оҳангарон рудаларининг кўп қисми комплекс, полиметаллик тавсифга эга бўлиб, улардан баъзи бир элементларнинг қиймати мис қийматидан 9-10 баробар юқоридир. Ҳозирги замон техника ва технологияси ёрдамида у ерда мис билан бирга олтингугурт, қалай, қўрғошим, олтин, селен, телур ва бошқа бир қатор нодир **металлар** олинмоқда.

Алоҳида комбинатнинг ривожланиш даражаси ўша комбинат қамраб олган тармоқлар ва ишлаб чиқариш **пағона**ларининг сони билан тавсифланади. Шу сабабли одатда тўла-тўқис ва тўла бўлмаган комбинатларни фарқлайдилар. Масалан, тўла-тўқис тўқимачилик комбинати барча босқичлар (йигириш, тўқиш ва пардозлаш)ни қамраб олади. Тула бўлмаган тўқимачилик комбинати эса ўз ичига бир ёки икки босқични олади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни комбинатлаштириш жуда юқори даражага кўтарилган. У айниқса металлургия, кимё ва озиқ- овқат саноатида кенг тарқалган. Республикада бу тармоқларга тааллуқли жуда йирик, дунё миқёсида тан олинган комбинатлар фаолият кўрсатмоқда. Улар жумласига Навоий Кон-металлургия комбинати, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон металлургия комбинати,

Чирчиқ электр-кимё комбинати, Тошкент ёғ-мой комбинати ва бошқаларни киритиш мумкин.

Қисқача хулосалар.

Ишлаб чиқаришни концентрациялаш - бу ишлаб чиқаришнинг тобора йирик корхоналарда жамланиш жараёнидир. Ўзбекистонда бу жараён йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Кучли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитда кичик корхоналарнинг улушини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Катта ва кичик корхоналар фаолиятини бирга олиб бориш тараққиётнинг кўпгина иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини туғри ечиш имкониятини яратди.

Саноат ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш айрим импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материалларни ўзимизда кўплаб ишлаб чиқариш имкониятини яратиб берди.

Саноатнинг ихтисослашуви муайян маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва ўзига хос ишлаб чиқариш аппарати, технологик жараён ва ихтисослашган кадрлар билан тавсифланувчи тармоқ ва ишлаб чиқаришларнинг юзага келишини таъминлади.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш туфайли импорт ўрнини босувчи хилма-хил рақобатбардош маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқаришга эришилди.

Республикамизда муайян бир маҳсулотни ҳамкорликда ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқалари йилдан йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида хомашёни қайта ишловчи кетма-кет босқичлардан иборат ёки ёрдамчи аҳамиятга эга бўлган турли саноат тармоқларининг бир корхонада бирлашиши юқори даражада амалга оширилди ва натижада жуда катта салоҳиятга эга бўлган комбинатлар фаолият кўрсата бошлади.

Ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этишнинг барча шакллариини такомиллаштириш Республика саноатининг салоҳиятини жуда юқори даражага кўтарди ва унинг ташқи ва ички бозордаги мавқени мустаҳкамлади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Саноат ишлаб чиқаришини ижтимоий ташкил этиш шаклининг таркибий қисмлари нималардан иборат.
2. Ишлаб чиқриш концентрациясининг моҳияти, аҳамияти, мазмуни, шакллари, кўрсаткичлари-чи?
3. Маҳаллийлаштиришнинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни.
4. Саноатда ихтисослашув ва кооперация. Уларнинг мазмуни, кўрсаткичлари ва самарадорлиги.
5. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва корхоналарда хилма-хил маҳсулотларни тайёрлаш муаммолари.
6. Ишлаб чиқаришни комбинатлаштириш ва унинг аҳамияти нималардан иборат. Ўзбекистондаги қандай йирик комбинатларни биласиз?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи. 2007 йил, 15 март.
2. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2007 йил, 31 август.
3. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устиворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор

йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза.
Халқ сўзи. 2008 йил. 9 февраль

4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

5. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиздир. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халф сўзи, 2008 йил, 6 декабрь.

6. «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиҳариш ва хизматлар ўртасида коперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи. №4 2006 йил 6 январь.

7. «2006 йилда ижтимоий-иқтисодий якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарорлари. Халқ сўзи, 2007 йил 15 февраль.

8. «2007 йилда ижтимоий-иқтисодий якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарорлари. Халқ сўзи, 2008 йил 13 февраль.

9. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2009 йил, 14 февраль.

10. Каримов. И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. Халқ сўзи,

2009 йил, 1 январь, № 1-2.

11. Промышленность Республики Узбекистан. 2000-2008.

Статистические сборники.

12. <http://www.press-service.uz> – «Президент сайти».

13. <http://www.gov.uz> - «Хукумат сайти».

14. <http://www.tsue.uz> – «Университет сайти»